



## ҚИДИРУВДАГИ ШАХСЛАРНИ УШЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭҲТИЁЖ

Ж.Р.Сайдов

ИИБ Академияси магистранти, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10679714>

### ARTICLE INFO

Received: 15th February 2024

Accepted: 17th February 2024

Published: 19th February 2024

### KEYWORDS

қидирудаги шахс, ислоҳот,  
хуқуқбузарлик,  
жамоатчилик, ички ишлар  
органлари.

Бугунги кунда Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва хуқуқбузарликларга қарши курашишда янги иш услублари татбиқ қилиниб, аҳоли ва жамоатчилик билан узвий мулоқот йўлга қўйилди, ушбу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди. Жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва хуқуқбузарликларга қарши курашишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик янада кучайтирилиб, олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида фуқароларда жиноятчиликка қарши курашишга ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишга дахлдорлик ҳисси шаклланди.

Дахлдорлик ҳисси шаклланиши натижасида фуқаролар кўмаги билан 2021 йил давомида жиноят содир этгани ва бошқа ҳолатлар юзасидан суд, тергов ва бошқа органлар томонидан 538 нафар шахсга нисбатан қидируд эълон қилинган ва рўйхатга олинган. Бу бўйича ИИБ ва унинг қути тизим соҳавий хизмат ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида қидирудаги шахсларнинг 504 нафари қўлга олиниб, уларга нисбатан қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги таъминланган. Шунингдек, 33 нафарига нисбатан жиноят иши тутагилганлиги ва 19 нафарига нисбатан қидируд ийғма жилди бошқа органга юборилган<sup>[1]</sup>.

Шу боис, фуқаролар ва ИИОлари тезкор ходимлар ҳамкорликда жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш, фош этиш ҳамда **қидирудаги шахсларни ушлаш** учун ўз вақтида тезкор-қидируд тадбирларини ўтказиш, жиноятларни аниқлашда ташаббус кўрсатиш, жиноий фаолиятни зудлик билан хужжатлаштириш, жиноят содир этиш ниятида бўлган ёки жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни ўз вақтида кўриш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаши, шунингдек жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни аниқлашни назарда тутувчи норма белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

### ABSTRACT

ушбу мақола қидирудаги шахсларни ушлаш тактикасини тақомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар юритилиб, муаллиф томонидан халқаро миллий тажрибалар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар фикрлари таҳлил қилинган.

Хозирда қидирудаги шахсларни ушлаш тактикасини такомиллаштириш мақсадида ички ишлар органлариға жиноят содир этган ёки қидирудва бўлган шахсларни аниқлаш ва топища **хусусий ОАВ имкониятларидан бепул фойдаланиш** ҳукуқи берилмоқда<sup>[2]</sup>.

Фикримизча, ушбу ҳукуқни берилиши қидирудаги шахсларни ушлаш тактикасини такомиллаштишини бир белгиси ҳисобланади. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:  
**биринчидан**, ички ишлар органлари ўз фаолиятлари доирасида жиноятлар ҳолатларини, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан, суриштирув-тергов органларидан суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ва маъмурий жазони ўташдан бўйин товлаётган, шунингдек, бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун давлат органлари томонидан таъсис этилган ОАВлар билан бир қаторда **бошқа ташкилотларнинг ҳам ОАВларидан бепул фойдаланиш ҳукуқи** берилиши айнан ушбу шахсларни тезроқ топилиши имконини беради чунки ҳозирги томошабин контингенти айнан давлат органлари томонидан таъсис этилган ОАВларни эмас хусусий **ОАВларни кўпроқ кўришмоқда**;

**иккинчидан**, ушбу ҳукуқни берилиши “Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун”нинг 11-моддасининг 3-қисмида “Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва **бошқа ташкилотлар** фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, **жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда**, шунингдек ҳукуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органлариға ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шарт” деган қоидани ижроси таъминланган ва қидирудаги шахсларни ушлаш тактикасини такомиллаштишини янги босқичи бўларди.

А.А.Матчановнинг фикрича, жиноят содир этган шахслар қидируви – ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят содир этиб, суддан ва дастлабки терговдан қасдан яшириниб юрган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уларнинг қаердалигини аниқлаш ва ушлаш орқали тергов ёки суд жараёнида иштирокини таъминлашдан иборат технологик жараён эканлиги ҳамда унинг **маҳаллий, давлат даражасидаги, давлатлараро ва халқаро турлари**<sup>[3]</sup> мавжуд.

Ушбу ёндашувни ҳурмат қилган холда бизнингча, жиноят содир этган шахслар қидируви **давлат ва халқаро даражасидаги қидирудаги** турларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ушбу қидирув турларини ёритсак.

Жиноят содир этган шахслар қидируви **давлат даражасидаги қидирудва** фақат маълум бир давлат худудида амалга оширилиши тушунилиб, бу борада юртимизда самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2022 йилда тизимда қидирудаги 3 минг шахсни топиш режа қилинган. Маълумотларга кўра, ўтган йилда қидирудаги 1888 нафар шахслар ушланди, бедарак йўқолган 263 нафар шахс эса топилган. 2020 йилда қидируд эълон қилинган шахсларнинг 2 минг 446 нафари ушланган.

Жиноят содир этган шахслар қидируви **халқаро даражасидаги қидирудва** бир неча **давлат** худудида амалга оширилиши тушунилиб, бу борада ҳам бошқа давлатлар билан ҳамкорликда самарали ишлар амалга оширилди. Мисол учун, илгари шубҳали шахс

ушланганда унинг шахсини аниқлаш бўйича тегишли тартибда сўров юбориш, натижасини кутишга тўғри келган. Сир эмаски, жиноят содир этиб қочиб юрганларнинг аксарияти хорижий давлатларга чиқиб кетади. Бундай шахслар Интерпол тизими орқали қидириб топилмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистони Интерполи хорижий давлатлар, хусусан, АҚШ Интерпол миллий марказий бюроси билан ҳамкорлиги натижасида яқинда қидирудаги бир шахсни ушлаб, юртимизга келтирган. Ўзбекистон Интерпол миллий марказий бюроси ходимлари томонидан юборилган маълумотлар ва тезкор ҳаракатларига кўра, АҚШдаги мутахассислар халқаро қидирудаги бўлган шахсни қўлга олган. Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган тезкор-қидирув тадбир давомида Т.А. Нью-Йоркдаги чегара назорат пунктидан ўтаётган вақтда қўлга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, замон ривожлангани сари қидирудаги шахсларни ушлаш методикалари ҳам ўзгармоқда илгари шахслар маълумотлари орқали қидирудаги шахслар ушланса ҳозирда замонавий технологиялар билан ушланмоқда. Жумладан, ИИОлари ходимлари ҳам ушбу технологиялар билан таъминланган. Биргина ЖТСБХ ходимларида 1 550 та, ЙПХ ходимларида 4 минг 79 та “бодикамера” мавжуд, планшетлар сони эса 3 минг 514 дона. Ҳуқуқбузарликлар профилактика хизмати ходимларида 6 минг 196 та планшет мавжуд [4]. Назаримизда, буларнинг барчаси жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш, қидирудаги шахсларни ушлаш ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қиласди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йил давомида 500 нафардан ортиқ қидирудаги шахс ушланди. <https://tviiib.uz/uz/news>.
2. Ички ишлар органларига қидирудаги шахсларни топишида хусусий ОАВдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/19/private-media>.
3. Матчанов А.А. фан доктори (DSc) диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон. <https://oak.uz/pages/2547>
4. Ўзбекистонда нечта одам қидирудаги, уларни топиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?. Электрон манба: <https://kknews.uz/uz/98369.html>.
5. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.
6. Qushboqov S., Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
7. Қушбоқов Ш., Ҳосилжонов М. Оиласвий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 29-31.
8. Охунов З., Қушбоқов Ш. Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
9. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.

10. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
11. Қушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76

